



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 30 апрель, № 83 (8706)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИГА

Азиз фарзандларим!

Шу кунларда Қатар Давлатида футбол бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган Осиё кубогига муваффақиятли иштирок этиб, бир йўла финал йўланмасини ҳамда шу йил ёзда Парижда ўтказиладиган Олимпия ўйинлари йўланмасини кўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Жонажон Ўзбекистонимизнинг футбол тарихида биринчи марта эришилган бундай ёрқин ғалабани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги барча спорт муҳлислари, кўп миллатли бутун халқимиз чексиз қувонч ва гурур билан қутиб олди. Зеро, бу эл-юртимизнинг неча йиллик буюк ораси эди. Бу орзунга амалга ошириш айнан сизларга — Янги Ўзбекистоннинг навқирон фарзандларига насиб этгани билан ҳар қанча фахрлансангиз, арзийди.

Албатта, сизлар эришган бу тарихий ғалаба замирида кейинги йилларда мамлакатимизда спорт соҳасини, жумладан, футболни ривожлантиришга берилётган улкан эътибор ва амалга ошириладиган кенг қўламли амалий ишлар мўжассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, сиздек азму шижоатли

ёшларимизнинг тажрибали мураббий ва мутахассислар раҳбарлигида мазкур мусобақага пухта тайёргарлик қўриб, ҳар бир ўйинда чинакам маҳорат, жасорат ва матонат намунасини кўрсатганингиз албатта юксак тахсинга муносибдир.


Осиё китъасидаги энг кучли жамоалар билан қизгин курашлар остида бўлиб ўтган 5 та ўйинда ҳам жамоамиз дарвозасини дахлсиз сақлаб, рақиблар дарвозасига 14 та жавобсиз тўп киритганингиз ҳам футболимиз тарихида мисли кўрилмаган натижадир.

Ишончим комилки, сизлар бу ютқудан янада руҳланиб, финал беллашувда "Осиё чемпиони" деган шарафли ном учун муносиб кураш олиб борасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сизларнинг меҳрибон ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизга ҳам чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

Бутун Ўзбекистон халқи сизларга ҳамisha бахт ва омадлар, порлоқ ғалабалар тилайди, азиз болаларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Қатарда давом этаётган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубогига Ўзбекистон терма жамоаси финалга чиқиш билан бирга, шу йил Парижда ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларига ҳам йўланмани кўлга киритди.



## ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель кунини III Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик бўйича тақдимот билан танишди.

Ушбу анжуманинг нуфузи ва кўлами тобора ошиб бормоқда. 2022 йилда ўтган илк форумга 56 мамлакатдан мингдан зиёд хорижий меҳмонлар келган бўлса, бу йил 84 та давлатдан қарийб 2 минг 500 киши қатнашиши кутилмоқда. Улар орасида ҳукумат вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари, БМТ, ЕТТБ, ОПЕК, ШХТ каби халқаро ташкилотлардан юқори мартабали меҳмонлар бор.

Шу боис форумга пухта тайёргарлик қўриш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинди. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тегишли вазирлик билан ҳамкорликда барча ташкилий чора-тадбирлар қўрилди.

Форум мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини кўрсатиш ҳамда ўзаро манфаатли лойиҳаларни келишиши учун қулай майдондир. Шу боис унинг доирасидаги тадбирлар, муҳокама қилинадиган масалалар кўп. Жумладан, шубҳа мажлислари, давра суҳбат-

лари, тақдимотлар, ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари каби 40 дан ортиқ тадбирлар режалаштирилган. Шунингдек, юртимиздаги қатор лойиҳаларни ишга тушириш маросими кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари форумни юқори даражада ташкиллаштириш, ҳар бир тармоқ ва ҳудуднинг инвестициявий салоҳиятини тўла намоён этиш бўйича кўрсатмалар берди.

3 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгашининг

иккинчи ялпи мажлиси ҳам ўтказилди.

Маълумки, ушбу кенгаш жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар беради. Бу гапга қўшимча ҳам мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга доир долзарб масалалар қўриб чиқилади.

## ГЕОЛОГИЯ ВА КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАЛАРИДАГИ РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель кунини геология ва кон-металлургия соҳаларидаги вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда геология соҳасига ҳар йили 1 триллион сўмдан маблағ ажратилиб, манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили тоғ-кон саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 11 миллиард долларга етди.

Лекин бу, асосан, қимматбаҳо ва рангли металлар йўналишида бўлиб, саноат учун муҳим минераллар бўйича фойдаланилмаган жуда катта захира мавжуд. Хусусан, юртимизда 32 турдаги шундай қазилма бойликлари бор.

Шу боис 15 январь кунини ўтган тақдимотда давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги имкониятларни ишга солиш бўйича топшириқлар берган эди. Бугунги йиғилишда бошланган

ишлар, режа ва таклифлар қўриб чиқилди.

Бугун жаҳонда технологик вазият тез ўзгаряпти. Электромобил, "ашил" энергетика, электротехника саноатида камбў металлларга талаб тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун сўнгги йилларда жаҳон бозорида молибден, теллур, селен, графит нархлари кескин ошган.

Президентимиз бу соҳадаги улкан имкониятларни кўрсатиб ўтди. Саноат учун муҳим минераллар ҳомашёси ҳамда уларнинг турини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хозирда юртимизда 6 турдаги шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бунга қўшимча платина, индий, ванадий металлари ҳамда вольфрам, молибден, рух, марганец каби ми-

нераллардан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш имконияти бор. Масалан, авваллари ўзимизда бўлмаган кукун металлургиясида йилга 300 миллион долларлик ускуналар ва бутловчи қисмлар йўналишида 100 миллион долларлик қиймат яратиш мумкин.

Ҳозирда Европа Иттифоқи билан муҳим минераллар бўйича эришилган келишув бу борада катта бозор очди.

Шундан келиб чиқиб мутасаддиларга хорижий эксперт ва инвесторлар иштирокида камбў металллар бўйича 500 миллион долларлик истиқболли лойиҳалар дастурини шакллантириш топширилди. Бу йўналишни илм билан ривожлантириш, шу мақсадда лойиҳа офиси

ташқил этиб, етакчи институт ва илмий марказларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Навоий кон-металлургия комбинатида қимматбаҳо металллар захирасини кўпайтириш режалари ҳам қўриб чиқилди.

Мутасаддилар олтин захирасини ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятлари ҳақида ахборот берди.

Президентимиз комбинатда ишлаб чиқариш таннаҳини 10 — 15 фоизга пасайтириш, саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш қамровини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Қимматбаҳо металллар соҳасида Илғор технологиялар илмий марказини ташқил қилиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

### Учрашув

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева юртимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Бундестагидаги "Германия — Марказий Осиё" парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Манфред Грунд бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Германия муносабатларининг кенг доираси, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий-гуманитар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Германия Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, тез ривожланиб бораётган Ўзбекистон билан кўп қиралли муносабатларни янада чуқурлаштиришга тайёр эканлиги айтиб ўтилди. Биринчи навбатда, барқарор ўсиб бораётган иқтисодий йўналишда товар айирбошлаш ҳажмини кенгайтириш, янги инвестицияларни жалб этиш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташқил қилиш бўйича қизқиш билдирилди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларда парламентлараро мулоқотнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, бу борада қатор режаларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, икки томонлама алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, парламент қўмиталари ўртасида тўғридан-

тўғри алоқаларни ўрнатиш ва уни янада ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, электрон парламент жорий қилиш бўйича тажриба алмашишга келишиб олинди.

Делегация аъзолари томонидан Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган ишларга юқори баҳо берилди ҳамда мазкур жараёнда Германия фаол иштирок этишга тайёрлиги билдирилди.

Суҳбат давомида меҳнат муносабатлари, гендер тенгликни таъминлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий-гуманитар соҳаларда ҳам ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Учрашув якунида ўзаро таширларни ташқиллаштирган ҳолда Ўзбекистон ҳамда Германия парламентлари муносабатларининг янги йўналишларини белгилаб олиш мақсадида ҳамкорликка оид тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

Бугунги кунда инсоният мураккаб ва оғир, қалтис ва таҳликали, ноаниқ ва омонат муҳитда яшамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Жаҳонда нималар бўлаётганини сиёсатдан узоқ одам ҳам билипти".

Чиндан ҳам, дунёда юзга келаётган муаммолар кўп, аммо уларнинг ечимлари йўқ. Жаҳон майдонида мувозанат бузилди. Халқаро ҳуқуққа риоя этилмапти, аксинча, бу борада "янги" яъни номақбул тартиб-таомилларни қўллашгача борилмоқда.

Сайёрамиз миқёсидаги беқарорлик шу даражага етдики, ҳатто бир-бирини яқин-яқинларгача дўсту ҳамкор ҳисоблаб келган давлатлар ўртасидаги ишонч ҳам пугур етмоқда. Давлатимиз раҳбари ташвиш билан қайд этганидек, эртага дунёдаги бу нотинчлик кўлами қаяргача кенгайишини, афсуски, ҳеч ким билмайди.

Ушбу очик ва аччиқ муҳозазалардан барчамиз сабоқ чиқаришимиз, аниқ хулосаларга келишимиз шарт. Бугун Ер юзида содир бўлаётган турли нотинчликлар, биринчидан, ана шу воқеа-ҳодисаларга бефарқ ва лоқайд бўлмастан, халқаро майдонда оғох, ҳушёр ва сергак тарзда фаолият олиб боришимизни тақозо этса, иккинчидан, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиёти, Ватанимиз тинчлиги

ва ободлиги, халқимиз бахти ва фаровонлигини таъминлашга, бу йўлда жамиятимизни бирдамлик, ҳамжихатлик ва бунёдкорликка чорлайди. Энг муҳими, бу ҳар биримизни конституциявий ватанпарвар бўлишга ундайди.

### Нуқтаи назар

## Конституциявий ватанпарварлик нима?

Бу саволга мамлакатимизда бўлиб ўтган конституциявий ислохотлар мисолида жавоб бериш мумкин.

**Конституциявий ватанпарварлик — бу ташаббускорлик, дахлдорлик, масъулият, Конституция ва қонунларга итоаткорлик, конституциявий маданият ва конституциявий эътиқод, садоқат ва жасорат.**

Конституциявий ватанпарварлик, бир томондан, халқимизни чин маънода жипслаштирадиган муҳим омил, иккинчи томондан, мамлакатимизда фуқаро ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ўзига хос ҳуқуқий гарантини, Қолаверса, бутун дунё тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги таҳликали шароитда конституциявий ватанпарварлик миллий ўзгичилигини англашни кучайтириш, Ватанимиз, халқимиз, миллатимизнинг жаҳон цивили-

зацияси тараққиётига қўшади-ган салмоқли улушини янада ошириш имкониятини беради.

Маълумки, ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Конституция инсониятнинг ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва ташқил қилиш борасида башар аҳли кашф этган энг муҳим ҳуқуқий қадриятлардан биридир.

Конституция ўз-ўзича, алоҳида, жамиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Демак, Конституциянинг доғма, яъни қотиб қолган нормалар йиғини деб бўлмайди. Бешинчи Франция Республикасининг асосчи генерал Шарль Андре де Голль таъбири билан айтганда, "Конституция бемаълум ўзгарилиши мумкин. Уни мумибдек қотириб қўйиш керак эмас".



### Сессия

## САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ

аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

Халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлаш, томорқа ва уй хўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиш ҳолати муҳокама қилинди.

Сессияда Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар, вилоят ҳокими ҳамда вазирлик ва идоралар, тижорат банклари мутасаддилари, МФЙ раислари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган сессияда вилотнинг барча туман ва шаҳарлари раҳбарлари, тегишли ташкилот ҳамда идоралар масъуллари қатнашди.

Сессия ишида Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Р. Мамамутов сўзга чиқиб, аҳоли давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод тажрибасини яратиш бўйича ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаган ҳолда белгилаб берилган вазифаларнинг ишчи амалга оширилишини сидқидилдан хошлаётганини, ушбу ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатиб, фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади.



### «Ўзбекистон — 2030» стратегияси

## МАҚСАД — БАРҚАРОР ЎСИШ ОРҚАЛИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ

Кейинги йилларда юртимизда тўпланган бой тажриба ва жамоатчилик фикрлари асосида ишланган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясидан барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторидан ўрин эгаллашдек эзгу мақсад ўрин олган. Айни чоғда аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташқил қилиш, қулай экологик шароитларни яратиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни қуриш, унинг суверенитети ва ҳавфсизлигини кафолатли таъминлаш мақсадлари ҳам кенг ўрин эгаллаган.

Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, Стратегияда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 160 миллиард ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш ҳамда юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жумладан, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик лойиҳанинг манзилли рўйхатини шакллантириш вазифалари белгиланган. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун келадиган ана шу мақсад ва вазифалар ўз-ўзидан бўлиб қола-

диган иш эмас. Яъни бу катта маблагни, чет эл инвестициясини талаб этади.

Шу маънода, юртимиздаги бу борадаги мавжуд вазиятни таҳлил қилиб кўрмоқчимиз.

Маълумотларга кўра, охириги олти йилда мамлакатимизга хориждан сал кам 50 млрд. доллар инвестиция йўналтирилган. Бу даврда Ўзбекистон саноатига жалб этилган инвестициялар ҳажми 7 баробар ошди ёки сўнгги уч йилда чет элдан 14 млрд. долларлик асбоб-ускуналар олиб келинди.



# Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш доимий эътиборда

Маълумки, Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг барабар иштирок этишини таъминлаш, шунингдек, хотин-қизларни таъйиқ ва эъзадорликлардан ҳимоялашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада эришилган ютуқларимиз баробарида зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас.

## Давра суҳбати

Кун кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш" мавзудаги давра суҳбатида ҳам айтиш мумкин бўлган масала атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тوشмухамедова олиб борди.

Давра суҳбатида хотин-қизларни таъйиқ ва эъзадорликдан ҳимоя қилиш, бу жараёнда идоралараро ҳамкорлик ти-

зимини такомиллаштириш, оилавий эъзадорликка қарши курашишда таъсирчан механизмларни қўллаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар рўйбга чиқарилмоқда. Айниқса, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни таъйиқ ва

эъзадорликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, "Оила ва гендер" илмий-тадқиқот институти, "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази экспертлари, ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторлари ҳамда Тошкент шаҳар Олмасор туманининг тегишли ташкилот ва идоралари масъулларининг соҳага оид мавзуларда маърузалари тинланди.

Иштирокчилар томонидан хотин-қизларга нисбатан эъзадорликнинг олдини олишда идоралараро ҳамкорлик катта ўрин тутиши урулаб ўтилди ҳамда ўзаро алоқаларни кучайтириш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Яқунда мазкур йўналишдаги ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

# САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ

## аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда

Куйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Ш. Назаров ўз сўзида туманда ислотларни самарали амалга ошириш билан боғлиқ қўллаб масалалар маҳаллий идораларгагина эмас, бевосита республика ташкилотларига боғлиқ бўлиб қолаётганини, шундан келиб чиқиб улар томонидан вазибаларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлигини билдирди.

Сессияда Сайхунобод тумани ҳокими К. Муллажоновнинг ҳам ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ қўллаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 19 та маҳаллага вилоят ташкилотлари раҳбарлари, 794 та кўчага 174 нафар маъсул бириктирилган, тижорат банклари томонидан 623 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 8,7 млрд сўм кредит ажратилган, тумандаги 3 340 гектар томорқа майдонларининг 3 273 гектарига экинлар экилган.

Туман ҳокими муҳокама этилган масала юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатларининг барча саволларига аҳолига жавоб берди.

Йиғилишда "Ўзғаролининг" АЖ бошқаруви раиси Н. Отажонов 19 та маҳаллага минитрактор ва 76 та мотокультиватор тарқатилгани, агроном штати жорий қилиниб, маҳаллаларга бириктирилганини айтиб ўтди.

Кун тартибидagi масала юзасидан тижорат банклари туман филиаллари ҳамда Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси туман бўлими раҳбарларининг ҳисоботи ҳам тинланди.

Сўзга чиққанлар давлат раҳбарининг таширфи туман аҳолиси ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар, кенг қўламли бунёдкорлик ва янгиликларга йўл очгани, Сайхунобод тажрибаси бутун республикада оммалаштирилганини мамнуният билан таъкидлашди.

Қонунчилик палатаси депутатларининг туманда хонадонма-хонадон ўрганишлар олиб бораётгани, белгиланган вазибаларнинг қўллаб қўвишига кўмаклашиш мақсадида маҳалларда томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имкониятлардан самарали фой-

даланиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича қилинаётган ишларнинг ҳолати мунтазам равишда ўрганилаётгани ўз самарасини бераётгани маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан эътироф этилди. Шунингдек, белгиланган вазибаларнинг бажарилиши бўйича таъкид ва тавсиялар берилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

## Сўз — иштирокчиларга

### Назира ҒАНИЕВА, халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши депутати:

— Юртовшимизнинг Сайхунобод туманига таширфи, белгилаб берган улғувор вазибалар барчамизга катта куч бағишлади, десак, муволажа бўлмайди. Бугун ким билан сўхбатлашсанг, одамларда кўтаринки кайфият, янгиликларга интилишни кўряпмиз. Бунга аҳолининг томорқа ва шахсий ҳўжалиқларидан унумли фойдаланаётгани, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар сафи кенгаётгани яққол мисол.

Сердаромад соҳа — томорқачиликни ривожлантиришда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳага оид қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлашни депутатлик ва жамоатчилик назоратига олиш, маҳаллани том маънода гуллаб-яшнаган, тадбиркорлик ривожланган, аҳоли бандлиги таъминланган, одамлар бугунги кундан рози бўлиб, фарзандлари келажикга ҳам ишонч билан қарайдиган масканга айлантириш барчадан фаоллиқни талаб қилади. Шу жиҳатдан Қонунчилик палатаси депутатлари бизга яқин кўмақдosh бўлмоқда.

Бугунги сессия ишида белгилаб олинган устувор вазибалардан келиб чиқиб маҳаллабай ишлаш, томорқа ва уй ҳўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича белгиланган вазибалар ижросини доимий назорат қилиб борамиз.

### Тоҳир ЖАВЛОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалар уюшмасининг Сайхунобод тумани бўлими бошлиғи:

— Бугун Сайхунободда жуда катта ўзгаришлар бўляпти. Негаки, ишлашга имкон яратилган мамлакатда ёниб яшаш, қалб қўрқини беркиб ишлаш бахти насиб этгани салоҳиятимизни намоён қилишда муҳим омилдир.

Фуқароларимиз шахсий томорқасидан самарали фойдаланиб, мавсумий экинлар экаётир, қолаверса, аҳоли кўнчилиги, балиқчилик, чорвачилик, асаларчилик каби даромад келтирадиган тадбиркорлик йўналишларига ўқитилиб, уларнинг иш бошлаши учун банклар имтиёзли кредитлар ажратмоқда. Айниқса, Ўзқорв ва Янгиҳаёт маҳаллаларида кўнчилик ҳамда балиқчиликни ривожлантиришга салмоқли маблағлар ажратилди ва бу ўз самарасини бера бошлади.

Туманимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шароит мавжуд. Агар бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилса, худудимиз иқтисодий юксалди, аҳолининг фаровонлиги ошди. Сессияда белгилаб олинган вазибаларни бажаришда "маҳалла еттилик", албатта, фаол бўлади.

### Ислонбек МАҲАТОВ, Сайхунобод туманидаги "Олгабос" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Ўтган бир ой давомида Қонунчилик палатаси депутатлари, туман маъсуллари иштирокида аҳоли хонадонларида бўлиб, маҳалла аҳли билан юзма-юз сўхбатлар қилдик. Ушбу жараёнда аҳолига кредитлар ажратилди, иссиқхоналар қуриб берилди, томорқадан унумли фойдаланиши учун минитракторлар, мотокультиваторлар олиб берилди.

Тўғри, ҳали туманимизда ишга солинмаган катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Агар биз улардан унумли фойдалансак, худудда тадбиркорлар кўпаяди, янги иш ўринлари яратилади. Натижада аҳолининг турмуши яхшиланади. Шу боис сессия йиғилишида ҳам бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар атрофлича муҳокама қилиниб, устувор вазибалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

# МАҚСАД — БАРҚАРОР ҲАМДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ

Биргина ўтган йилда юртимиз инвестицияларни жалб қилиш борасида МДХ давлатлари орасида Қозоғистондан кейин иккинчи ўринни банд этди ва бу бизнинг тарихимизда рекорд кўрсаткич саналди.

Яна бир мисол. 2023 йилда жами 16 млрд. доллардан зиёд асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, бу кўрсаткич 2022 йилдаги нисбатан 1,5 баробар кўп. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши эса 53,4 фоизга етди.

Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 21,2 трлн. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, 2022 йилдаги нисбатан 130,3 фоизни ташкил этгани ҳам эътиборга молик. Натижада Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, технология қурилмаларни модернизация қилиш ҳамда алоқа тизимини кенгайтириш ва бошқа ҳудудларда қуввати 32 МВт. бўлган иккита газ турбина қурилмасини ўрнатish, умумий қуввати 900 мегаваттдан кам бўлмаган иккита буғ-газ турбинасини қуриш билан Толимаржон ИЭСни кенгайтириш ҳамда табиий газ назорати ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш каби инвестиция лойиҳалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилинди.

Ўтган йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича энг юқори кўрсаткич ва ўсиш суръатлари тўғрисида тўғри хорижий инвестициялар хисо-

бига бўлиб, 2022 йилдаги нисбатан икки баробар ортган. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткичлар Сирдарё ва Бухоро вилоятларига тўри келди.

Айтиш жоизки, 100,6 трлн. сўмлик хорижий кредитлар ҳисобидан йирик лойиҳалар амалга оширилди. Мисол тариқасида Сирдарё вилоятда қуввати 1500 мегаваттлик янги электр станциясини қуриш, Тошкент вилоятда "Ёшлик 1" конини ўзлаштириш, Бухорода қуввати 500 МВт. бўлган қуёш фотоконцентрацияси, Сурхондарёда эса газ-кимё комплексини қуриш ҳамда Самарқандда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш лойиҳаларини келтириш мумкин.

Муҳажир бир мақолада бу йўналишда олиб борилаётган жами ишларни санаб ўтиш мумкин. Зеро, рўйбга чиқарилаётган ишлар қўлами жудам кенг ва натижалар шунга яраша салмоқлидир.

Шу боис бу борада олдимизда турган вазибалар ҳақида ҳам имкон қадар тўхталмоқчимиз.

Президентимиз жорий йил бошида инвестицияларни жалб этиш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилда инвестиция сиёсатини юритиш билан боғлиқ вазибалар юзасидан ўтказилган тақдиротда бу йўналишдаги ютуқларимизни алоҳида таъкидлагани ҳолда олдимизда турган завларли вазибаларга уруғ қаратган эди.

Бунда, аввало, хорижий инвестициялар ҳажминини янада кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Негаки, бугун янги

Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар, жумладан, электротехника, машинасозлик, қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари тармоқлари ҳамда "яшил" энергетикани ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар шунингдек, қилади.

Албатта, йирик инвесторлар ўз-ўзидан келиб қолмайди. Бу борада улар билан манзилли ишлаш ҳамда инвестицияларни жалб қилишда иқтисодий дипломатия ва чет элдаги дипломатик ваколатхоналар салоҳиятидан унумли фойдаланиш қўл келади. Қолаверса, халқаро молия институти маблағларидан самарали фойдаланиш ва уларни ўз вақтида ўзлаштириш ҳамда ушбу сармоияни ижтимоий соҳага, инфратузилма ва сув ҳўжалиги лойиҳаларига йўналтириш долзарб аҳамиятга эга.

Шунингдек, жорий йилда грант маблағларини жалб қилишни тезлаштириш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим, фан ва инновация соҳаларида хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш биз учун устувор ҳисобланади.

Демак, мақсадимиз барқарор ривожланиш орқали юксак натижаларга эришиш эса, мазкур вазибаларни изчиллик билан бажаришимиз талаб этилади. Бу эса нафақат мутасаддилар, айни чоғда биз, халқ вакиллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Қобил ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ — МУҲОКАМАДА

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳаларини депутатлар атрофлича муҳокама қилди. Асосий эътибор қонун лойиҳаларининг ижтимоий аҳамиятга эгаллиги, долзарблигига қаратилиб, уларни янада такомиллаштириш, пишиқ-пукта ҳолатга келтиришга оид муҳим таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

## Қонунчилик палатаси фракцияларида

### Инвестициявий ҳозирдорлик кафолатланади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасини (Сингапур, 2006 йил 27 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сингапур шартномасининг мақсади — товар белгилари соҳасида ишловчи ва шу соҳа иштирокчиси бўлган мамлакатлар ҳамда регионал ташкилотларда товар белгиларига ҳуқуқий муҳофаза олиш тизими фойдаланувчилари учун янада мақбул шароитларни яратиш ҳисобланади.

Ушбу шартнома товар белгилари учун лицензияларни рўйхатдан ўтказиш бўйича қонунларни ўз ичига олади ва рўйхатдан ўтказиш, лицензия рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги қайдларни тузатиш ёки бекор қилиш учун сўровномаларга нисбатан максимал талабларни белгилаб беради.

Мазкур халқаро шартномага қўшилиш Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакатнинг жаҳондаги имижига ҳамда инвестициявий ҳозирдорлигини ошириш имконини беради.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб, лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қонун лойиҳаси қабул қилиниши мамлакатимизда инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, ортиқча оворабарқарорликнинг олдини олишга хизмат қилиши нуктаи назардан қўллаб-қувватланди.

### Фитосанитария талаблари энгиллаштирилмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Фитосанитария талаблари энгиллаштирилиши муносабати билан "Усимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг

29-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини сақлаш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларни олиб киришда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, импорт ҳисобидан қопланадиган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб киришда ташқи савдо талабларига мувофиқ бўлмаган бюрократик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ана шундай тўсиқлардан бирини олиб ташлашга қаратилган бўлиб, унда халқаро амалиётдан келиб чиқиб фитосанитария сертификати талаб этилмайдиган товарларни импорт қилишда экспортёр давлатнинг фитосанитария сертификатини талаб этиш амалиётини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Бекмирза Эшмурзаев қонун лойиҳаси юзасидан ўз муносабатини билдириб, киритилаётган ўзгаришлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назардан муҳимлигини, лекин бу бошқа бир хавфни юзага келтириши мумкинлигидан хавотир билдирди. Хусусан, депутат юртимизга четдан кириб келган қолорадо кўнғизи зараркунанда сифатида картошка, бошқа маҳсулотларни етиштиришга зарар етказиб қилиниши айтиб, импорт маҳсулотларга берилмаётган энгиллик яна ана шундай зараркунандаларнинг кўпайишига сабаб бўлмайди, деган саволни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорлари ушбу саволга жавоб бераркан, хавотир ўринли экани, бироқ энгиллик, асосан, фитосанитар хавфи паст бўлган маҳсулотларга берилаётганини маълум қилди. Улар, асосан, қайта ишланган тайёр маҳсулотлар бўлиб, улар жумласига қурилган мева-сабзавотлар, қопланган чойларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Қизғин муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасида айрим камчиликлар борлиги, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида, албатта, улар устида жиддий ишланиш лозимлигидан келиб чиқиб уни қўллаб-қувватлади.

### Аҳолининг давлат органларига ишончи мустаҳкамланади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасида бандлик хизматлари такомиллаштирилиши муносабати билан "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига тўхталиб, бир қатор таклифлар берди. Хусусан, депутат Гулрух Агзамова қонун лойиҳасининг 18-моддасида назарда тутилаётган нормалар бўйича савол берди.

Депутат мазкур моддада ҳодимларни оммавий равишда ишдан бўшатish мезонлари белгилаб қўйилгани, лекин улар орасида хотин-қизлар ҳам бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиб, бу жараёнда уларнинг ҳомиладорлик ҳолатлари ҳисобга олинганини ёки йўқми, деган савол билан қонун ташаббускорларига юзланди.

Ташаббускорлар ушбу савол юзасидан атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бандлик хизматларини кўрсатишдаги камчиликларни, соҳадаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### Ишсизлик нафақаси миқдорини белгилашда аниқлик киритилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бандлик хизматларини кўрсатишдаги камчиликларни, соҳадаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳокама давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига тўхталиб, бир қатор таклифлар берди. Хусусан, депутат Гулрух Агзамова қонун лойиҳасининг 18-моддасида назарда тутилаётган нормалар бўйича савол берди.

Депутат мазкур моддада ҳодимларни оммавий равишда ишдан бўшатish мезонлари белгилаб қўйилгани, лекин улар орасида хотин-қизлар ҳам бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиб, бу жараёнда уларнинг ҳомиладорлик ҳолатлари ҳисобга олинганини ёки йўқми, деган савол билан қонун ташаббускорларига юзланди.

иш ҳақи (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган шахсларга ишсизлик нафақаси миқдорини белгилаш шартларига аниқлик киритилмоқда, ишсизлик нафақасини ўтлашни тугатиш ва тўхтатиб туриш учун асослар рўйхати кенгайтирилмоқда.

Муҳокама чоғида депутатлар субсидиялар, ссудалар ҳамда иш бевуви томонидан ҳодимнинг касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтгани, унинг малакаси оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ўқув курси якунлангандан сўнг 5 иш кунини ичида меҳнат органига тақдим этилмаган ҳолатда бунинг учун сарфланган маблағни қайтариш чоралари қўрилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан изоҳ суради.

Ушбу саволларга Камбағалликни қисқартриш ва бандлик вазирига маъсул ҳодимлари атрофлича жавоб бериб, илгари сурилган таклиф ва тавсиялар иккинчи ўқиш жараёнида инобатга олинишини билдирди.

### Бюрократик тўсиқлар бартараф этилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "Фитосанитария талаблари энгиллаштирилиши муносабати билан "Усимликлар карантини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Амалдаги тартибга кўра юртимизга олиб кирилаётган маҳсулотлар фитосанитария сертификатининг асл нусхаси тақдим этилгунга қадар давлат чегарасида вақтинчалик сақланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотларнинг туриб қолишига, юк эгаларининг ортиқча харажатларига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси ушбу бюрократик тўсиқларга барҳам бериш ва фитосанитария талабларини энгиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳа билан "Усимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга халқаро амалиётда фитосанитария сертификати талаб этилмайдиган товарларни импорт қилишда экспортёр давлатнинг фитосанитария сертификатини талаб этиш амалиётини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фитосанитария талабларини энгиллаштириш орқали тадбиркорларга янада қулайликлар яратиш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва ички бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

«Халқ сўзи».

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

**1** Конституция — доимо ҳаракатдаги муҳим сиёсий ҳуқуқий ҳужжат. Яъни у ҳаёт жўшқинлиги ва ўзгаришларини ўзида яққол акс эттиради. Ҳозирги кунда конституциявий ватанпарварликни шакллантириш — устувор вазифа.

Шу маънода, бир томондан, Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистоннинг конституциявий қиёфасига асос бўлиб хизмат қилган бўлса, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси конституциявий ислохотларни амалга ошириш вазифасини кун тартибига қўйди.

## Зарурият, ташаббус, дахлдорлик ва масъулият

2021 йилги Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантикий давоми бўлган муҳим тақдир — конституциявий ислохотларни амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди.

Энг муҳими, ушбу ташаббус айнан сайловчилар, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий маданий марказлар фаоллари — мамлакат аҳолисининг турли қатламлари вакиллари томонидан илгари сурилди. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасидаги демократик ислохотлар сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётганидан, сайловчилар ислохотлар тарафдори эканлигиндан, уларни янада чуқурлаштиришдан манфаатдорлигидан далolatдир. Қолаверса, бу ташаббус 2021 йилда эркин ва демократик, очик ва ошқора, соғлом рақобат ва сиёсий кураш муҳитида бўлиб ўтган Президент сайлови том маънода мамлакатимиз ўзи танлаган демократик барқарор тараққиёт йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигини исботлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимидаги нутқида Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг 2022 йил 20 май кунги бўлиб ўтган қўшма мажлисида мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишга оид чораларни кўриш масалалари муҳокама қилинди. Сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Президенти конституциявий ислохотлар заруриятига алоҳида урғу берди.

Шу муносабат билан мутахассислар олдида **конституциявий ривожланишда миллий, хорижий ва халқаро тажрибани** ўрганиш вазифаси қўйилди. Депутат ва сенаторлардан ушбу масалага эътибор билан ёндашиб, уни ўрганиш ва аниқ тақлифларни ишлаб чиқиш сўралди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 29 йиллиги муносабати билан йўлланган табригида Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор конституциявий тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарурлигига эътиборни қаратди. Президентимиз сайловчиларнинг амри ва хоҳиш-истакларига, тез суръатга эга демократик ўзгаришлар эҳтиёжларига асосланган конституциявий ислохотларнинг 9 та устувор йўналишини белгилаб берди.

Қисқача айтганда, **мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатлами конституциявий ислохотларнинг асосий ташаббускори бўлиб майдонга чиққан бўлса, Юртбошимиз конституциявий ислохотларнинг бош ғоявий илҳомлантурувчисига айланди.** Яъни халқимиз ва Президентимиз конституциявий ислохотлар ташаббуси билан чиқиб, чинакам конституциявий ватанпарварлик намунасини кўрсатди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди.

Президентимизнинг **“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”** китобидаги алоҳида бир фасл айнан **“Конституциявий ислохотлар — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектлар зарурат”**, деб номланган. Унда сайловолди учрашувлари пайтида халқ билан мулоқот жараёнида ўртага ташланган муҳим тақлиф ва ташаббуслар, бугунги тараққиётимиз ва истикбол режасига оид хулосалар ўз аксини топган. Конституциявий ислохотларнинг зарурати асослаб берилган, аниқ ислохотларни амалга оширишнинг туб сабаблари ва мақсадлари бирма-бир санаб ўтилган. Китобда қайд этилганидек, **“Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқпарвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустақкам қонунчилик базаси керак бўлиши табиийдир”**.

Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 1 май кунги бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдуми якуний натижаларига бағишланган мажлиси ва шу мавзудаги брифингга айтилганидек, референдумда сайловчилар ягона электрон рўйхатида 19 миллион 722 минг 809 нафар овоз берувчи фуқаро кiritилган. Референдумга қўйилган масала бўйича “Ҳа” деб жавоб берганлар сони 15 миллион 34 минг 608 нафарни ташкил этган.

Бошқача айтганда, конституциявий ислохотларни натижадорлик билан яқунлаш борасида Ўзбекистон халқи ва Президентининг Ватанимиз тақдирига бирдек дахлдорлигини — руҳи бедорлигини ва қалби уйғоқлигини намоян эъти. Бу ҳам конституциявий ватанпарварликнинг ўзига хос ёрқин намунаси.

“Қонунни қабул қилиш — ишнинг ярми, унинг ижросини ташкил этиш



**Акмал САИДОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

## Ўзбекистон Президенти — Янги Ўзбекистон Конституциясининг кафили

Референдумдан бир ҳафта ўтиб, 2023 йил 8 май кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони** қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тарихий ҳужжат янги тахрирдаги Конституцияимизни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустақкамланган устувор принципларни янги Ўзбекистон улуғвор гоҳисига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис

публикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидир.** Биринчиси тўла бажарилган ва қолган икитаси ҳаётга теран татбиқ этилаётган ушбу дастуриламал стратегиялар янги тахрирдаги Конституцияимизда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлар, ваколат ва кафолатларни том маънода рўёбга чиқаришга қаратилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президентининг ўз конституциявий вазифа ва ваколатларига ниҳоятда улкан масъулият билан ёндашаётганини тасдиқлайди. Бу ҳам, албатта, юксак конституциявий ватанпарварлик тимсолидир.

## Конституциявий маданиятни шакллантириш — давр талаби

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай қонун, аввало, уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунчилик касб этади. Конституциянинг нормаларини ҳам айнан ана шу онгли итоткорлик ҳаракатга келтилади. Бу, авваломбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишини қатъий талаб қилади. Юксак ҳуқуқий маданият бўлмас экан, Конституциянинг бой салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш имкон эмас. Аммо Конституцияни билишнинг ўзи билан ҳам кифояланб бўлмайди. Шу боис жамиятда конституциявий маданиятни шакллантириш устувор аҳамият касб этади.

**Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, билим яхши хулқ-атвор билан безатил-**

лайди. Конституциявий маданиятни ривожлантириш негизи бўлган ана шу конституциявий воситалар, яъни конституциявий қоидаларни атрофлича ўрганиш ҳамда теран тафаккур қилиш орқали инсон ўзлигини қайта кашф этади.

Бу ўринда ИНСОНнинг Конституцияда кафолатланган ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларининг том маънодаги эгаси сифатида намоён бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Зеро, конституциявий ватанпарварлик худди шу асосда шаклланади ва аниқ ҳуқуқий фазилат инсон камолотининг ёрқин кўрсаткичларидандир.

## Конституциявий эътиқод — ватанпарварлик асоси

“Конституциявий ватанпарварлик” тушунчасининг туб мазмун-моҳияти

Асосий Қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг аҳолига атрофлича шарҳлаб ва тушунтириб бориш давр талабидир.

## Конституциявий ватанпарварлик — садоқат ва жасорат

Ақсарият ҳолларда ушбу икки муҳим тушунча ўта тор доирада талқин қилинади. Яъни **“садоқат”** сўзи маънавий мазмунда қанчалик кўп қўлланилса, **“жасорат”** сўзининг ҳарбийларга хос атама сифатида қабул қилиниши ҳолатлари шунчалик кўп учрайди.

Бу, ўз навбатида, садоқат фақат оилавий муносабатларда бўлиши, жасорат эса ҳарбийлар томонидангина кўрсатилиши кифоя, деган тор тушунчани келтириб чиқаради. Бундай



Сирожидин ВОҲИДОВ олов суратлар.

шуки, бунда фуқаролар ўз Ватани ва халқини, унинг тарихи, маданияти, азалий қадриятлари ва ҳуқуқий анъаналарини фақат севиш ҳамда ҳурмат қилиш билангина чекланиб қолмайди, балки зиммасидаги конституциявий мажбуриятларни ҳалоллик ва улкан масъулият билан адо этиш орқали Конституцияда белгиланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилади.

Бевосита амалдаги ҳуқуқий ҳужжат сифатида Конституциянинг ҳар бир қоида, сўзи ҳамма учун амалий ҳаракатлар дастури бўлиши зарур. Конституцияни ҳаётга татбиқ этиш нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг вазифаси, балки ҳар бир фуқаро ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний бурчидир. **Конституция талабларини бажариш, уларга сўзсиз ва қатъий риоя қилиш ҳар бир инсоннинг эътиқодига айланмоғи лозим.**

Конституциявий ватанпарварлик билан ҳуқуқий маданият тарғиботи узвий боғлиқликда, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий маърифати, тарбияси ва таълимини кучайтириш йўли билан олиб борилиши айни муддаодир. Бу жараёнда оилалар, мактаб, маҳалла, жамият ва давлатнинг сайё-ҳаракатларини фақат конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ўрганиш доираси билан чеклаб қўямасдан, аксинча, конституциявий бурч ва мажбуриятлар, Конституция ва қонунлар ижроси бўйича юридик жавобгарлик ва масъулиятга оид билимларни, юксак ахлоқ-одобни тарбиялашга қаратилган маънавий қадриятларни ўзлаштиришга ҳам йўналтириш тақозо этилади.

Шундай экан, янги тахрирдаги Конституция нормаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш учун ҳар биримиздан, албатта, бемисл садоқат ва жасорат кўрсатиш талаб қилинади. Улуғ аллома аждодимиз **Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг “Хар доим қўлинг — ишда, қалбинг — Аллоҳда бўлсин!”**, деган **пурҳикмат насиҳати** замирида ҳам, аслида, айнан садоқат ва жасоратга, бугунги давр тили билан айтганда, конституциявий ватанпарварликка даъват ўз ифодасини топган.

Хулоса ўрнида муҳтарам Президентимизнинг яқинда кенг жамоатчилик билан мулоқотида айтган — конституциявий ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлган мана бу оташин ва ҳарқоний сўзларини келтирамиз:

**“Мен умримни шу халққа тикканман! Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари равон бўлсин деб ишга келдим”.**



**“Конституция — алоҳида ҳуқуқий мақомга эга олий даражадаги ҳужжат, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ноёб жамоатчилик шартномасидир. Чунки фуқаролар айнан шу Асосий Қонун негизида тегишли давлат органларига ҳокимиятни бошқариш ваколатини ишониб топширадилар.”**

ва таъминлаш қолган ярмидир”, дейдилар. Бу нақл Конституцияга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги тахрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқи номидан **“ваколатли вакиллари тимсолида”**, яъни парламент аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан қабул қилинганини биламиз. Бундан фарқи равишда, 2023 йил 30 апрель кунги мамлакатимиз Асосий Қонунининг янги тахририни **“ягона Ўзбекистон халқи”** бевосита умумхалқ референдумида — тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилди.

Янги тахрирдаги Конституцияимизда унинг мамлакатнинг бутун худудида олий юридик кучга эгаллиги, тўғридан-тўғри амал қилиши, бутун мамлакат худудиди ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этишига тааллуқли конституциявий нормалари мустақкамлаб қўйилди. Эски тахрирдаги матнда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллашга доир ушбу механизмлар мавжуд эмасди.

этиб туришини таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Фармонда белгиланганидек, **“янги тахрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади”**.

Бундан ташқари, Президентимиз шу йил 2 февралда **“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони**ни имзолади. Унга мувофиқ, янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тасдиқланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишининг янги моделини тўлиқ амалга оширишга киришилди.

Сўнгги йилларда Миллат Сардори ташаббуси билан янги Ўзбекистоннинг учта стратегик дастури ишлаб чиқилди. Булар — **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Рес-**

Хуқуқбузарликка қарши иммунитет:

ТАЪЛИМ БОР ЖОЙДА ТАРБИЯ БЎЛИШИ ШАРТ

Жаҳоннинг турли минтақаларидаги инқирозлар оқибатида миллионлаб ёшлар мактаб остонасини ҳатламай кўчада катта бўлмоқда. Ваҳоланки, уларнинг бирортасини иқтидордан — нимагадир қодирликдан мосуво, дея олмаймиз. Чунки ҳар бир бола қалбида бир даҳо яшайди. Бироқ иқтидорнинг шаклланиши, истеъдод сифатида намоён бўлиши, аввало, ўша мамлакатда ёшларнинг камол топиши учун қай даражада имконият ва шароит яратилганига боғлиқ.

Шу маънода айтсак, юртимизда кечаётган ўзгаришлар жараёнида мактаб таълимига доир ислохотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Мушоҳада

Замон ва макон танламайдиган масала

Мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритар эканмиз, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир", деган фикри эсга тушади. "Тилда, фикрда, ишда бирлик" деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз доим таълим-тарбияга алоҳида эътибор қаратган.

Аслида жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташласак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни ўзгартирсангиз туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу — мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир.

Маълумки, мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касби обрўси, нуфузи пайсабид кетгани, янги давр педагоглари тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги йилларда ана шу муаммоларни самарали ҳал қилиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан ҳалқ таълими тизимига оид кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди.

Аммо амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга қарамадан, таълим тизимида ҳамон муаммолар борлиги ҳақиқат. Соҳада замонавий ва оқилонга тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги ўғил-қизларга билим беришда чет эл илгор тажрибаларидан фойдаланиш, тарбияда эса миллий аъёнига ва кадрларга суяниш муҳимлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълимига эътибор қаратар экан, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган тамойилга асосланган ҳолда миллий ғоя ва унинг мафқуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болаликдан миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканини кўп бор таъкидлайди. Мактаблардаги камчиликларни тўзатиш, таълим сифатини назорат қилиш учун ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг иштироки зарурлиги алоҳида эътибор қаратади. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, мактаб — бу ҳаёт-мамат масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳуқуқат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айлиниши керак.

Эркаласа отаси, талтаяди боласи

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 февраль кун ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ҳалқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, муаммоларни комплекс ҳал этиш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар муҳокама этилди. Давлатимиз раҳбари мактаблардаги тарбия ва маънавият масаласига алоҳида тўхтади. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда "хуқуқбузарликка қарши иммунитет" ҳосил қилиш зарурлиги таъкидланди. Мактаблардаги 2 мингта инспектор-психолог штати Ички ишлар вазирлигининг Миллий гвардия тизимига ўтказилиши белгиланди.

Эндиликда дарслардаги давоматга, тарбияси оғир ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ота-оналар ва маҳалла раисларининг бу борадаги маъсуляти оширилди. "Мактаб — ота-она — маҳалла" занжири асосида электрон мулоқот плат-

формаси ишга туширилади. Ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқлар таҳли қилиниб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш ва ижобий томонидан фойдаланиш чоралари кўрилади. Шунингдек, ота-оналар учун фарзанд таълим-тарбияси бўйича халқчил тилда қўлланмалар тайёрланади.

— Бу ташаббуслар йўлга қўйилса, мактаб таълими бўйича ота-онада маъсулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади, — деди Президент.

Дарҳақиқат, бу қондалар жамият учун жуда муҳим. Чунки ёшлар тарбияси мавзуси жамиятда доимо долзарб. Зеро, мамлакат келажаги ёш авлод қўлида. Шу нуқтаи назардан, мактаб ҳам, муаллим ҳам, жамият ҳам, ота-она, оила, маҳалла ҳам мактаб ишига нисбатан ўзгариши шарт.

Бугун мактабларда барча шароит муҳайё, бироқ таълим сифати паст. Бунда фақат ўқитувчиларни айблаймиз. Гуё жамоатчилик ва ота-оналар айбсиздек. Кўпчилик ота-



тарбияси жараёнини она заминни ўрганмасдан тасаввур этиб бўлмайди. Худудлардаги турли музейларга экскурсиялар, саёҳатлар, юртимиз тарихи, фольклор мероси, табиат бойлигини ўрганиш — буларнинг барчаси қизиқувчан боланинг онги учун жуда зарур. Айни чоғда уларнинг Ватани Ер юзидagi энг яхши жой экани, бу ерда туғилганидан чинакам фахрланишини англашга имкон беради.

Демак, маънавий-руҳий, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш борасида ёзувчи ва шоирлар, кино, театр, телевидение ижодкорлари, маънавий-маърифий жабхаларда фаолият юритувчи ташкилотлар олдиди вазифалар турибди. Бугун ёзувчиларимиз ўқувчилар учун замонамиз қаҳрамонларини кўрсатиб берадиган асарларни, образларни яратиши керак. Ваҳоланки, болаларимиз бошқа миллатларнинг қаҳрамонлари моҳирона тасвирланган сериалларни

“Ватан тарихини билган, улуғ аجدодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбида миллий ифтихор туйғулари янада жўш уриб, эл-юртга садоқати ортиб бораверади. Мана шундай фазилатларга эга инсонларда курашувчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини англаш, миллат, Ватан шаъни ва манфаатини ҳимоя қилишдек муқаддас туйғулар шаклланади. Демак, Ватан шаъни, ор-номусини жон-жаҳди билан ҳимоя қиладиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган ҳар томонлама қомил инсонни тарбиялаш зиёлилар олдидagi энг устувор масала бўлиб қолаверади.”

оналар учун мактаб бу болаларини маълум бир вақтгача олиб ўтириладиган жой ҳисобланиб қолган. Баъзилар фарзандларининг билими билан иши йўқ. Ўтган дарслар бўйича савол-жавоб қилмайди. Натига кундай равшан: талаб ва тақриф йўқ жойда интилиш ҳам бўлмайди. Ва буларнинг ҳаммаси йиғилиб, халқнинг саводхонлик даражаси пасайишига, билимсизлик, фикрсизлик ортишига олиб келади. Агар уйда ота-она, мактабда муаллим, университетда домла ўғил-қизлар таълим-тарбиясиз виждонан ёндашганида эди, ҳаётимиз бутунлай бошқача бўларди.

Яна бир гап. Қимдир дўкон ёки масжид куришига борини сарфлайди. Мактаб куришга келганда юзимизни бураемиз. Ахир эртанги кунимиз эгалари мактаб партастидан чиқади-ку! Тадбиркор юртдошларимиз мактаб учун ҳам қайишса, бунинг мевасини бугун бўлмаса, эртага кўришимиз аниқ.

Бугун халқимизнинг оёғига тушов бўлаётган қусурлардан тезроқ қутулишимиз керак. Ўз даврида жадид боболаримизни ўйлантирган масалалар — ортиқча исрофгарчилик, тўйлардаги дабдабозлик, лоқайдлик, танбаллик каби иллатлар бугун ҳам кун тартибда. Шоҳона тўйлар, ҳашаматли иморатлар, кераксиз орзу-ҳаваслар ўрнига болаларимизга таълим-тарбия бериш муҳим эканини унутмайлик.

Ватанпарварлик — тўғри ва ҳақ иш

Халқимизнинг буқилмас иродаси, маънавий-руҳий қудрати, ватанпарварлиги барча замонада муваффақиятларнинг муҳим кафолати бўлган. Шу боис аждодларимиз фарзандларини болалигидан оқ ва қорани ажратишга, ҳаётга теран назар ташлашга ўргатган, уларнинг қалб кўзини очишга интилган.

Ватанпарварлик — давлат ва жамиятнинг стратегик вазифаси. Чунки айнан ватанпарварлик, ўз юртини севадиган кенг халқ оммаси давлат ва жамият хавфсизлиги ҳамда барқарорлиги гарови. Шундай экан, ҳозир болаларда ватанпарварлик туйғулари, асослари ва ўзини тутиш маданиятини тарбиялашга катта эътиҳ мавжуд ва шунинг учун ҳам мактабданок бунга кучли эътибор берилиши лозим. Ватанпарварлик

кўриб катта бўляпти. Уларга ҳавас қиляпти. Холбуки, ўзимизда ўрнат қилиб кўрсатса бўладиган аждодларимиз етарли. Улар ҳақида юзлаб кинофильм ва сериаллар яратиш мумкин. Бунинг учун миллатпарвар, юртпарвар бўлишимиз, эртанги кунимиз учун куйинишимиз керак холос.

Ватанимиз тарихида айнан ватанпарварлиги боис сон жихатдан бир неча ўн баробар кўп бўлган қудратли лашкарларни енгган қанчадан-қанча жасур аждодларимиз ўтган. Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Амир Тему, Бобур Мирзо — булар маънавий рух, мардлик ва шижоат, миллатпарварлик туйғуси билан аскарларнинг қудратли кучга айланган оилан юрт қалқонлари. Дейлик, жасур аждодларимизнинг жанг санъати ёки маърифий меросини янада кенг ўргансак, уларни кино тасмаларига, экранларга олиб чиқсак, бундан фақат ютаемиз.

Ватан тарихини билган, улуғ аждодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбида миллий ифтихор туйғулари янада жўш уриб, эл-юртга садоқати ортиб бораверади. Мана шундай фазилатларга эга инсонларда курашувчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини англаш, миллат, Ватан шаъни ва манфаатини ҳимоя қилишдек муқаддас туйғулар шаклланади. Демак, Ватан шаъни, ор-номусини жон-жаҳди билан ҳимоя қилдиган, жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган ҳар томонлама қомил инсонни тарбиялаш зиёлилар олдидagi

Албатта, ҳар биримиз фарзандларимизнинг ўқимишли, маърифатли бўлишини хоҳлаймиз. Шундай экан, мактаблардаги таълим-тарбия ва давомат масалалари, шунингдек, тарбияси ва ўқишида муаммоси бўлган ўқувчиларни ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан бирга ечимини топиш борасида сўй-ҳаракатларга хайрихоҳлик билан қарайлик. Худди шундай, Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар ижобий натижа бераётганини кўряпмиз. Миллий гвардия томонидан мактабларга масъул қилинган ходимларнинг таълим муассасаси директорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда маҳалла фаоллари билан "мактаб — ота-она — маҳалла" занжирини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликда йўлга қўйилган ишлар натижасида қисқа вақтда ўқувчиларнинг давоматига ижобий ўзгаришлар кузатилди. Бу борадаги ҳамкорлик мактаб таълими бўйича ота-онада маъсулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлишини кафолатлайди.

Тарбиянинг асосий қисми — намуна кўрсатиш, ибрат бўлиш. Шундай экан, фарзандларимизни гап-сўзимиздан ҳам кўра ҳаракатларимиз тарбиялашини унутмасак бўлгани.

энг устувор масала бўлиб қолаверади.

Албатта, булар оддий гаплар эмас. Бизнингча, мактабларга ватанпарвар, фидойи, тажрибали педагоглари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли спортчилар ҳамда санъаткорларни кўпроқ жалб қилишимиз, ўқувчиларни уларнинг ибратли ҳаёт йўли билан таништиришимиз ҳам фойдалан холи бўлмайди. Айтмоқчимизки, ҳар қандай мамлакат учун мактаб — бош мақсад, биринчи масала ва наҳот қальаси. Мактабни ўзгартирсангиз туриб, мамлакатни тараққий эттириб бўлмайди.

Бефарқлик — гайриижтимоий ҳатти-ҳаракатга замин

Тарихга назар ташланг, мамлакатлар қачон қудратли бўлган? Қачон тараққий этган? Албатта, илм-фан ва таълим ривожланганда!

Аччиқ бўлса-да, яна бир бор такрорлаймиз, мактабни янгилаш керак. Унга янги рух киритиш шарт. Бунинг учун фарзандларимизни фикрлашга ўргатайлик. Бугунги дунёда ҳам илм-фан ва таълим ривожланган давлатлар ҳар томонлама устуворлик қилмоқда. Бошқа мамлакатлардан истеъдодли ёшларни, иқтидорли олимларни янги ҳаёт эвазига қақириб олмоқда ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бунинг натижасида давлатлари янада зиёда бўлиб, халқи яхши яшамоқда.

Яна бир мулоҳаза. Мактабда тартиб-интизом бўлиши керак. Юртимизда мактабга сабабсиз келмаган фарзандларнинг ота-оналарига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан жазима жазоси қўлланилиши белгилангани беҳиз эмас. Маълумотларга кўра судлар томонидан жорий йилнинг январь ойи мобайнида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси (болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик) 2 ва 4-қисмлари билан 52 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларнинг барчасига жазима жазоси қўлланилган.

Эътибор беринг, болаларнинг мактабга бормгани ёки юборилмагани ҳолатлари бўйича хоржий давлатларда ҳам ота-оналарга нисбатан турли жазо чоралари қўлланилади. Масалан, Ирландияда 2000 йилда қабул қилинган "Таълим (фаровонлик) тўғрисида"ги қонунга биноан агар фарзанд мактабга бормайдиган бўлса (касалиги ва бошқа сабаблар), ота-оналар бу ҳақда мактаб маъмуриятига хабар бериши (имкон қадар ёзма тарзда) лозимлиги белгиланган. Ушбу қонунга кўра ота-оналар ёки қонуний вакилар ўз фарзандининг мактабга бориши ва таълим олишини таъминлаши учун талай мажбуриятларга эга. Фарзанди мактабга бормайдиган бўлса, ота-онага, аввало, огоҳлантириш юборилади. Унда фарзанди мактабга келмаётгани ва бу ҳолат яна давом етадиган бўлса, қонуний чоралар кўрилиши кўрсатиб ўтилади. Агар ота-она огоҳлантиришга риоя қилмаса, уларга нисбатан жазо чоралари, жумладан, жазима ёки бир ойгача қамок жазоси қўлланилиши мумкин. Жазима миқдори фарзанди мактабга келмаган ҳар бир кун учун ошиб боради.

Канадада ҳам фарзандлари мактабга бормасин ота-оналарга нисбатан жазима жазоси мавжуд. Хусусан, жазо тариқасида ота-оналар мажбурий тарбиялаш ва оилавий маслаҳат курсларига жалб қилиниши мумкин.

Таълим тизими билан дунёга ўрнат бўлаётган Сингапур давлатида эса ота-оналар ўз фарзандларининг мактабга боришига эътиборсизлик қиладиган бўлса, улар болалари билан биргаликда Мажбурий таълим кенгашига қақиртирилади. Ундан кейин ҳам бундай ҳолат давом этса, уларга нисбатан қонуний тартибда жазима жазоси қўлланилади.

Бундай мисолларни бошқа мамлакатлар қонуничилигидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Акрамжон Юлдашев, Андижон давлат университети ректори, профессор.

СПОРТ хабарлари

Ўзбек футболининг тарихий ғалабаси

Мусобақанинг ярим финалида олимпиячиларимиз индонезиялик тенгдошларига қарши баҳс олиб борди. Кескин ва муросасиз курашларга бой ўтган ўйинда футболчиларимиз 2:0 ҳисобида зафар қучди. Ўзбек футболининг тарихий ғалабасини таъминлаган голларни рақиб дарвозасига Хусайн Норчаев ва Пратама Архан (ўз дарвозасига) киритди.

Мусобақа регламентига кўра, совринли ўринларни эгаллаган терма жамоалар Париж Олимпиадасига тўғридан-тўғри йўланмани кўлга киритади. Шундай экан, Ўзбекистон терма жамоаси финалда қандай

натижани қайд этишидан қатъи назар, Олимпиадада қатнашиш имкониятига эга бўлди. Маълумот ўрнида айтиш керакки, бунгача Ўзбекистон етти маротаба Олимпиада ўйинларига чиқиб учун ҳаракат қилган ва муваффақият қозона олмаганди.

Энди Темура Кападзе шоғирлари мусобақа голиблиги учун Япония олимпия терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Кунчиқар юрт вакиллари ироқлик футболчиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Осиё кубогининг финал баҳси 3 май кунини бўлиб ўтади.

Футзалчиларимиз — бронза медали соҳибид

Футзал бўйича Таиландда бўлиб ўтган Осиё кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси бронза медални кўлга киритди.

Учинчи ўрин учун кечган баҳсда вакилларимиз тожикистонлик футзалчилар билан беллашди. Муросасиз кечган учрашувнинг асосий вақти 5:5 ҳисоби билан якунланди. Пенальтилар сериясида эса омад ҳамюртларимизга қулоб бокди: Ўзбекистон — Тожикистон 3:1. Бу Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё кубоги баҳсларида кўлга киритган еттинчи бронза медали ҳисобланади. Бундан ташқари, вакилларимиз тўрт бор қумуш медалга сазовор бўлган.

Таиландда ўтган мусобақанинг бош соврини Эрон терма жамоасига насиб этди. Финалда эронлик футзалчилар мезбонларни 4:1 ҳисобида енгди.

Айтиш жоизки, мазкур Осиё кубогида шу йилнинг 14 сентябрь — 6 октябрь кунлари Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўланмалар ҳам ўрилган.

Мусобақа регламентига кўра, барча яримфиналчилар жаҳон чемпионатига тўғридан-тўғри йўланмани кўлга киритади. Агар бу рўйхатга Ўзбекистон ҳам кирса, яна бир йўланма чорак финалда мағлуб

Фозилдин АБИЛОВ («Халқ сўзи»)

Тақдимот

Китобхонлар учун яна бир ажойиб имконият

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ёшлар ишлари агентлиги ва Халқ банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Муголаа" лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик фаоллари, ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, нашриёт ва ОАВ вакиллари, ёшлар қатнашди.

Театрлаштирилган ҳамда ўзгача руҳда ўтган тақдимот кечаси чин маънода китобхонлик байрамига айланди. Тадбир меҳмонларини муҳташам мажмуага кираверишда жаҳон ва ўзбек адабиётида танилган асар қаҳрамонлари қутиб олишди. Шундан сўнг кутубхона кўрinishида безалган улкан залда тақдимот бошланди.

— Хозирги кунда "Муголаа" платформасига 1 100 дан ортиқ китоблар — ҳикоя, эртак, бадий ва илмий-оммабоп асарларнинг аудио ҳамда электрон вариантлари тайёрланиб, мобил иловага жойлаштирилди, — дейди лойиҳа раҳбари Сирожиддин Олимов. — Бу алқачон аҳоли, айниқса, ёшлар орасида оммалашди. Бугунги кунда 280 мингга яқин китобхонлар мобил иловадан фойдаланмоқда. 2024 йил якунига қадар 1 миллиондан ортиқ китобхонлар қамраб олишни ният қилганмиз.

Лойиҳа доирасида китобхонлик соҳасида янги йўналиш ҳисобланган кино-китоблар — "Кичкина Шаҳзода" ва "Даҳшат" асарлари, шунингдек, "Қўрқма" китоби учун бадий ҳужжатли фильм суратга олинди.

Яқин кунларда ёшлар етакчилари ва фаол ёшлар билан биргаликда лойиҳанинг онлайн тақдимотларини ташкил этиш режалаштирилган.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»)

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper. Includes contact information for the editor Akramjon Yuldashev, subscription rates, and a QR code for digital content. The ad also features a list of authors and a call to action for advertising.